

## **Хизмат кўрсатиш Регламенти**

“ЮЧҚ ва РЭВларни олиб кириш учун мурожатномаларни кўриб чиқиш”

### **1.Хизмат курсатиш тартиби (паспорти):**

#### 1.1. Хизмат курсатишни номи

Радиоэлектрон воситалар (РЭВ) ва юқори частотали қурилмалар (ЮЧҚ)ларни олиб кириш мурожатларини қуриб чиқиш.

#### 1.2.Хизмат курсатишнинг натижаси:

ЮЧҚ ва РЭВларни олиб киришга рухсатномалар тақдим қилиш.

#### 1.3 Бланкалар олиш жойи ва хизмат кўсатувчи органлар

Мурожатномаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги радиочастота органи «Электромагнит мослашув маркази» ДУК томонидан амалга оширилади.

Тафсия этилган мурожатнома намуналари электрон кўриништа қуйдаги электрон манзилдан юклаб олишингиз мумкин ([www.cemc.uz](http://www.cemc.uz).)

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги № 725-І сонли “Радиочастоталар спектри тўғрисида”ги Қонуни;

"Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланишни тартибга солиш тартиби тўғрисидаги” Низом, Адлия вазирлигида 2005 йил 7 декабрда №1531-сон билан рўйхатга олинган;

“Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги” Низом, Адлия вазирлигида 2005 йил 23 декабрда №1532-сон билан рўйхатга олинган;

“Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиб бориш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги № 499-сон Қароридаги илова;

“Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларини шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1998 йил 10 июлдаги 293 –сонли Вазирлар Маҳкамасининг Қарори.

“Юқори частотали қурилмаларнинг рухсат берувчи ҳужжатларини расмийлаштириш, қурилмаларни рўйхатга олиш ва уларнинг техник параметрларини ўлчашни ўтказиш тартиби тўғрисида” йўриқнома, 2007 йил 26 декабрдаги АВ № 1751- сон билан рўйхатга олинган;

Халқаро электр алоқа итфоқининг радиоалоқа Регламенти

Қўшни давлатлар билан ҳукуматлараро келишувга асосан частотага эгалик қилишни мувофиқлаштириш.

### 1.5 Хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикасининг норизидентлари

### 1.6 Мурожаат этиш муддати

Қонунда белгиланмаган хизматлар учун талаб юбориш муддатлари.

### 1.7 Бажариш муддати

Олиб кириш учун рухсатнома бериш муддати 3 кун.

### 1.8 Тақдим этишни тасдиқлаш муддати.

Талабноманинг қабул қилинганлиги тўғрисида белгининг ягона дарчада пайдо бўлганидан сўнг 3 кун.

## 2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш

### 2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Хар қандай мурожаат этган шахсга қуйидаги маълумотларни тақдим этиш кафолатланади:

- ташкилот жойлашган жойи, кўрсатиладиган хизматлар, иш жадвали, ташриф килувчиларни қабул қилиш тартиби (телефон орқали олдиндан ёзилиш, мурожаат этиш куни қабул қилиш, жонли навбат ва башқалар);

- хизматдан фойдаланиш учун зарур хужжатлар рўйхати;

- тўлдирилиши керак бўлган бланкаларни олиш усуллари ва тартиби, тўлов тартиби хақида;

- хизматдан фойдаланиш жараёни хақида;

- хизмат кўрсатиш муддатлари;

- регламент билан танишиш усуллари ва хизмат кўрсатиш регламенти мавжудлиги.

### 2.2 Кенг хабардор қилиш

Божхонадан ноқонуний олиб кириладиган ЮЧҚ ва РЭВларни олдини олиш мақсадида, ишлатиш ва амалда қўллаш, ўрнатилган тартибда олиб киришни тушунтириш, керакли ахборот ва эълонларни доимо ОАВлари ёрдамида узатишни амалга ошириш чораларини кўриш. Шунингдек маълумотлар <http://www.cemc.uz/> «ЭМММ» ДУК сайтида ҳам жойлаштирилган.

### 2.3 Сўров бўйича маълумотлар

- Шахсан 9.00 дан 18.00 гача оғзаки хар қандай хизматдан фойдаланиш саволларга маслаҳат олиш ва ёзма текст стандарт кўринишида маълумотларни ва Давлат божи тўлов реквизитлари учун зарур хужжатлар таркибини тақдим этиш.

- Телефон орқали (2304134): 9.00 дан 18.00 гача оғзаки хар қандай хизматдан фойдаланиш саволларга маслаҳат олиш, талаб этилмайдиган катта хажмдаги маълумотларни аниқ узатиш, масалан, Давлат божи тўлов реквизитлари;

- Факс орқали (2306112): хар қандай ёзма сўровномаларни туну-кун қабул қилиш, 9.00 дан 18.00 гача сўров бўйича ёзма хужжатларни узатиш;

- Электрон почта: [info@cemc.uz](mailto:info@cemc.uz).

### 2.4 Хизмат кўрсатиш жойи маълумотлари

Тошкент ш. Нукус кўчаси 226. Т.Шевченко ва Нукус кўчалари кесишувида, 4 қаватли “Ўзбектелеком” биноси, “94 мактаб” автобус бекати, авт. №№2,55,60,80,93. Мўлжал 94-сонли ўрта мактаб, Тошкент шаҳар Миробод тумани Солиқ Инспекцияси.

### 2.5 Фойдаланиладиган хужжатлар бланкалар (шакли)

Рухсат берилган хужжатларнинг намуна бланкалари — илова №2.

## 3. Хизмат кўрсатиш

### 3.1 Иш вақти

Иш вақти 9.00дан 18.00гача. Дам олиш кунлари: шанба, якшанба.

### 3.2 Кутиш шартлари

Кутиш шартини навбат борлиги билан аниқланади, агар шундай ҳолат бўлмаса кутиш минимумга яқинлаштирилади.

#### **4. Хизмат кўрсатиш тартиби**

##### **4.1 Зарур ҳужжатлар**

Олиб кириш учун рухсатномалар берилиши:

- а) радиоқурилмалар турлари ва бирлик миқдорлари кўрсатилган ҳолда олиб кириш учун рухсатномаларни бериш тўғрисида ариза;
- б) харид қилиш ва ўрнатиш ўрнатиш ёки лойиҳалаш ва куриш учун аввал берилган рухсатноманинг нусхаси;
- в) товар-транспорт ҳужжатлари (инвойс, юкхатлар ва ш.к.) нусхаси;
- г) олиб кириш учун рухсатномани бериш учун йиғимни тўлаш тўғрисидаги тўлов топшириқномасининг нусхаси.

##### **4.2 Тўлов хизматлари**

Молия вазирлиги томондан рўйхатга олинган 01.07.2010 йилдаги №ЎТ/1504-Уз-сон “Жисмоний ва юридик шахслар учун ЮЧҚ ва РЭВлар эксплуатация рўйхатига олиш, электромагнит мослашув экспертизаси алоқа хизмати учун тарифлар” хизмат тўловига асосан

##### **4.3 Давлат хизматларига кўрсатиш босқичлари**

- а) РЭВ ва ЮЧҚларни олиб кириш учун «ЭМММ» ДУК бошлиғи номига хат.
- б) мурожаатни бажариш учун “ЭМММ” ДУК бошлиғининг тегишли хизмат (бўлим)га резолюцияси.
- в) олиб кириладиган қурилмаларни техник характеристикаларида анализ ўтказиш.
- г) РЭВ ва ЮЧҚларни олиб кириш учун рухсатнома ёки аризага олиб кириладиган қурилмаларга махсус рухсатнома таълаб қилинмайди хати бериш.
- д) кўрсатилган хизматлар учун ҳисобварақ-фактурасини расмийлаштириш.

##### **4.4 Рад этишни асоси**

- нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар такдим этилганда;
- ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда;
- агарда чегардан ўтказилган қурилмаларни сони аввал берилган рухсатнома таълабларининг таснифланишига жиддий тўғри келмаса, аризага уч иш кун ичида Адлия Вазирлигининг 23.12.2005 йилда № 1531 сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланишни тартибга солиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ талабгорга олиб кириш учун рухсатнома бериш асосли рад жавоби юборилади.

#### **5. Сифатни таъминлаш**


##### **5.1 Сифат параметрлари**

Аризаларни кўриб чиқиш муддатларига амал қилиш

##### **5.2 Сифатсиз хизматдан норози бўлиб шикоят аризасини бериш**

Аризага сифатсиз хизматдан норози бўлиб сифатни бошқариш хизматига кўрсатилган «Электромагнит мослашув маркази» ДУК раҳбарларига, юқори турвчи ташкилотларга ёки судга шикоят аризасини бериш ҳуқуқига эга.

**ЮҚЧ ва РЭВларни олиб киришга рухсатнома бериш учун аризаларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун давлат хизматларини тақдим этиш схемаси**



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
 AXBOROT TEXNOLOGIYALARI  
 VA KOMMUNIKATSIYALARINI  
 RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI  
 ELEKTROMAGNIT MOSLASHUV  
 MARKAZI  
 DAVLAT UNITAR KORXONASI



МИНИСТЕРСТВО ПО РАЗВИТИЮ  
 ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ  
 И КОММУНИКАЦИЙ  
 РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
 ЦЕНТР ЭЛЕКТРОМАГНИТНОЙ  
 СОВМЕСТИМОСТИ  
 ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ  
 ПРЕДПРИЯТИЕ

**RUXSATNOMA**

**РАЗРЕШЕНИЕ**

№ XX / XXX

*olib kirish uchun*  
*na 6603*

Toshkent sh.

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20 y.

EMMM \_\_\_\_\_ ga  
(buyurtmachi nomi) (наименование заявителя)  
 \_\_\_\_\_ dan kelgan quyidagi radiouskunalarni  
(поступило от)

\_\_\_\_\_ rusumli \_\_\_\_\_ dona (komplekt)  
(марка оборудования) (количество)

hamda invoysda keltirilganlarni,  
(также указанных в инвойсе)

\_\_\_\_\_ maqsadida  
(цель)

Quyidagi (Согласно)

\_\_\_\_\_ ga asosan,

**O'zbekiston Respublikasi hududiga olib kirishga ruxsat beradi.**  
**разрешается ввоз на территорию Республики Узбекистан.**

**Izo:** Sertifikatlash tekshiruviga qadar jihozlardan foydalanish taqiqlanadi. Jihozning muvofiqlik sertifikatini ko'chirma nusxasi EMMM DUKga taqdim etiladi.

**Примечание:** Запрещается эксплуатация оборудования до проведения сертификационных испытаний и оформления соответствующих разрешительных документов. Копию сертификата соответствия РУ на оборудование представить в ГУИ ЦЭМС.

EMMM boshlig'i \_\_\_\_\_ *подпись* \_\_\_\_\_ *ФИО*

M.O'